

Коронавирус: Ўзбекистон, яқин хориж ва жаҳондаги вазият, 3 апрель
(инфографика)

КОРОНАВИРУС (COVID-19)

(03/04/2020, 00:30)



Ўзбекистондаги вазият


Қайд этилган
205

Соғайганлар
25


Вафот этганлар
2

Ўзбекистонда коронавирус динамикаси


(15.03.2020 - 02.04.2020)



Яқин хориж



ТОП-5



Жаҳонда

Қайд этилган
1 004 533
(+69 337)



Даволанишда
742 451

Соғайганлар
210 519

Вафот этганлар
51 563
(+4 371)

Инфографика: «Xabar.uz»

Бугун, **3 апрел**га келиб (мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланганининг 20-куни), **Ўзбекистон**да COVID-19ни юқтириш бўйича жами **205 та ҳолат қайд этилди**: **25 нафар** бемор соғайиб кетган, **икки нафари** вафот этган.

«Worldometers» [маълумотларига кўра](#), дунё миқёсида шу пайтгача коронавирус энг кўп қайд этилган мамлакатлар:

- **АҚШ** (237 877) — сўнгги суткада 22874 кишида коронавирус аниқланди, 616 киши вафот этди;
- **Италия** (115 242) — сўнгги суткада 4668 кишида коронавирус аниқланди, 760 киши вафот этди;
- **Испания** (110 238) — сўнгги суткада 6120 кишида коронавирус аниқланди, 709 киши вафот этди;
- **Германия** (84 600) — сўнгги суткада 6619 кишида коронавирус аниқланди, 166 киши вафот этди.
- **Хитой** (81 589) — сўнгги суткада 35 кишида коронавирус аниқланди, 6 киши вафот этди;

Катта ўнликка, шунингдек, Франция (59 105), Эрон (50 468), Буюк Британия (33 718), Швейцария (18 827) ва Туркия (18 135) кирган.

Муҳим:

- Кеча энг кўп ўлим ҳолатлари **Италия** ва **Испания**да қайд этилди;
- **АҚШ**да коронавирусни юқтирганлар сони иккинчи ўриндаги Италиядагидан икки баравар кўп;
- **Германия** ТОП-5 да Хитойни ортда қолдириб, 4-ўринга кўтарилди;
- **Буюк Британия** ва **Туркия**да коронавирус қайд этилишлари сони (кеча 4244 ва 2456 тадан) кескин ошди, коронавирус энг кўп қайд этилган мамлакатлар рўйхатида Туркия бугун 9-ўринга кўтарилишга жуда яқин.
- Кунига коронавирусни юқтириш бўйича 1000 дан зиёд ҳолат кузатилаётган мамлакатлар қаторига **Бразилия** ҳам қўшилди: кеча — 1030, жами — 7910.

3 апрелнинг айна соатларига келиб, дунё бўйича коронавирус аниқланган инсонлар жами сони **1 004 533** нафарга етди, шундан **51 563** нафари вафот этган, **210 519** нафар бемор соғайиб кетган.

Коронавирус ҳар дақиқада жаҳондаги 48 кишида аниқланыпти, ҳар дақиқада 3 киши шу касаллик қурбонига айланмоқда.

Дунёнинг **181** мамлакати ва ҳудудида коронавирус мавжуд.

2020-04-03 05:49:51